O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 26-may • № 21 (3850)

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЧОРЛОВИ

Кўксига ялтироқ қўнғироқча тақиб олган қиз шу белги билан бу йилги битирувчилар сафида эканини намойиш қилади. Ўсмир бола ўзининг шахдам ва ишончли одим ташлаши билан росмана йигит бўлиб қолганини кўз-кўз этади.

Мактабнинг гулга тўлган ҳовлисида ҳамма қўнғироқча тақиб олган қизларга, юриши жиддий ва сипо тортиб қолган йигитчаларга қарайди. Чунки улар энди чиндан ҳам эътиборга лойиқ. Кечаги шўх-шаън қизалоқ дуркун ва масъулиятли қизга, чоп-чоп қилиб юрган ўспирин мўмин-қобил йигитга айланди. Улар катта ҳаёт остонасида туришибди.

Кеча юртимиздаги барча ўрта таълим мактабларида ўқув йилининг якунланганига ишора бўлиб, сўнгги қўнғироқ чалинди. Аммо бу қўнғироқ овози ҳали таҳсилни тугатмаган авлод учун эди. Мактаб битирувчиларига эса бу садо катта ҳаётнинг илк чорловидир. Қўнғироқ чалинишидан бир-икки сония олдин йиғилганларнинг барини ҳаяжон босди. Мураббийлар юраги шунча йил ўз жигаргўшасидай асраб-эҳтиётлаб, суюб-ардоқлаб келаётган ўқувчиларининг парвозга шай турганини кўриб титраган бўлса, бугунги сўнгги қўнғироққа қадар ҳам бундай ширин айриликни ҳис этмаганлари ва шу онларда бехос сезиб қолганлари учун битирувчи ёшларнинг юраги ҳапқирди.

Ҳаётнинг янги бир даврига ўтиш, албатта, масъулиятли. Чунки кечаги битирувчига энди бутун жамият нигоҳи билан қаралади. Энди унинг хатоларига "ҳали ёш-да" ёки "ҳали ўқувчи-ку" деб бўлмайди. Энди у чинакам инсон ва жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳаёт қозонида қайнайди. Олган билимларига ҳаётий тажрибалар қўшилади. Энди у ҳам бор салоҳияти, имконияти, истеъдоди-ю билим-кўникмаларини жамият учун сарфлашга бурчли.

Қалбида туғён ураётган орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳаётнинг улкан майдони шай. Марҳамат, кимнинг қўлидан қандай иш келса, амалга оширсин. Ҳаракати илдам, нияти мустаҳкам бўлсин. Бироқ унутмасинларки, майдон яхшини яхшига, ёмонни ёмонга ажратувчи, хуллас, сарагини сарак, пучагини пучак қилиб берувчи синов майдонидир. Аслида, сўнгги қўнғироқ шундай чорлов ва маслаҳатларни қулоққа қуювчи овоздир.

Катта ҳаёт сари ташланган дадил қадамларингиз қутлуғ бўлсин, азиз битирувчилар.



**СУРАТДА:** Тошкент туманидаги 9-ўрта мактабдаги тадбирдан лавҳа.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## ДУНЁ КЕЛАР САЙЁҲ БЎЛИБ...

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришдаги мавжуд камчиликлар, хусусан, бандликни ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлиги алоҳида вазифа қилиб қўйилган. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса қишлоқ жойларида суст ривожланаётгани, бу ерда катта харажат талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган имкониятлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилган.***

Кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда, айниқса, бошқа имкониятларга эга бўлмаган чекка минтақаларда, экотуризмни ривожлантириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, "ЭКОСАН-ТУР" экологик туризм халқаро маркази **"Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳияти"** мавзуида халқаро учрашувни ўтказар экан, асосий мақсад — мамлакатимизнинг минтақалари бўйича янги экосайёҳлик йўналишларини ташкил этиш ва мавжудларини янада кенгайтириш, экотуризм бўйича минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг экотуристик имкониятларини очиб бериш, сайёҳларни мамлакатимизга янада кенг жалб этиш, шу аснода аҳолини янги иш жойлари билан таъминлашни такомиллаштириш эди.

Учрашувни "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов олиб борди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитаси, "Ўзбектуризм" Миллий Компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, хусусий сайёҳлик ташкилотлари Ассоциацияси, "ЭКОСАН-ТУР" экологик туризм халқаро маркази, "Рабат Малик" сайёҳлар Ассоциацияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, "Зиёрат" Туризмни ривожлантиришга кўмак кўрсатиш марказининг вакиллари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Учрашув иштирокчиларининг чиқишларида таъкидланганидек, туристик бозорнинг 10 фоизини экотуризм эгаллаган ва унинг кейинги йиллардаги жадал суръатларда ривожланиши туризм индустриясининг умумий ривожланишидан 2-3 маротаба ошган.

Экотуризм сайёҳликнинг бошқа турларига нисбатан кам сарф-харажатни талаб этади. Масалан, экотуризм қиммат меҳмонхоналарни талаб этмайди. Аксинча, бунда маҳаллий аҳолининг уй-жойидан, улар таклиф этган озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда туризм тараққиётининг мавжуд имкониятлари Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа жойлардаги тарихий архитектура ҳамда маданий ёдгорликлардан ташқари бетакрор табиий шароит билан ҳам боғлиқ. Чунончи Угам, Чирчиқ, Пском дарёларидан сув спортини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонда 9 та давлат қўриқхонаси, 2 та давлат табиат миллий ва 9 та давлат буюртма боғи мавжуд. Улар республика ҳудудининг 4,6 фоизини ташкил этади. Улар орасида 1986 йилда ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритилган Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси алоҳида ўрин тутади. Зомин, Нурота, Ҳисор ва бошқа қўриқхоналар, Угам-Чотқол миллий боғи, "Жайрон" экомаркази, Амударё тўқайлари ҳам бу борада бой имкониятларга эга.

Экотуризмни ривожлантиришда марказий қисми Амударё делтасида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси алоҳида ўрин тутади.

Шу билан бирга республикамизда экологик туризмни ривожлантиришда қатор муаммолар бўлиб, бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Жумладан экотуризм соҳасида қонунчиликнинг, менежмент ва маркетингнинг етарли даражада ривожланмагани, аҳоли ва жойлардаги бошқарув органлари экологик туризмни ривожлантиришнинг аҳамияти ва иқтисодий фойдаси тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги аён ҳақиқатдир.

"ЭКОСАН" ташкилоти ва унинг қошида ташкил этилган "ЭКОСАН-ТУР" халқаро экотуризм маркази бугунги кунда иқтисодиётнинг мазкур соҳасини янада ривожлантириш мақсадида фаолият олиб бормоқда. "Экотуризм куни", "Ёшлар ва экотуризм" лойиҳаси, соғломлаштирув маршрутлари, экологик экспедициялар шулар жумласидандир. Марказ томонидан мамлакатимизнинг экотуристик маршрутлари бўйича саёҳатлар ташкил қилишда маълум тажриба тўпланган. Чимён, Чорвоқ, Белдерсой, Далварзин, Нурота, Зомин каби ҳудудларга бир ва бир неча кунлик саёҳатлар, Угам, Чотқол, Сирдарё ва Чирчиқ дарёларида рафтинг ташкил қилиш тобора ривожланиб бормоқда.

Янги маршрутлардан бири Тян-Шан тоғ тизмасида жойлашган Тошкент вилоятининг шарқий қисмидан ўтади. Ушбу маршрут "ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг 2006-2010 йилларда экотуризм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига киритилган. Бўлиб ўтган учрашувда мазкур дастурнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**М.МИРСОВУРОВ,**
**"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти референти**

## НАФОСАТ САБОҚЛАРИ

**Болалар тарбиясига эътибор бериш, истеъдоди ва дунёқарашини қўллаб-қувватлаш унинг келгусидаги муваффақиятлари учун, жамиятнинг чин маънодаги етук фарзанди бўлиши учун аҳамиятлидир.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида 308 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолият юритмоқда. Ушбу даргоҳларда 39 мингдан зиёд иқтидорли ёшлар 5 мингдан ортиқ устоз ва мураббийлардан санъатнинг мусиқа, рақс, рассомлик каби кўплаб йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Куни-кеча пойтахтимизда юртимиздаги намунали мусиқа ва санъат мактаблари раҳбарлари иштирокида икки кунлик республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгаш давомида болалар мусиқа ва санъат мактабларини таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари билан таъминлаш, улар учун махсус адабиётлар яратиш, мазкур йўналишдаги ўқув-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш масалалари ва соҳадаги мавжуд муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда ўрта-махсус таълим муассасалари ўртасида ўқув-тарбиявий жараённинг узвий боғлиқлиги хусусида, бошланғич мусиқа таълими муассасаларини чолғу созлари билан таъминлаш муаммолари атрофлича таҳлил этилди. Мазкур муаммоларнинг ечимини топиш, ушбу ўқув масканлари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида М.Қориёқубов ва М.Ашрафий номидаги Республика танловларини жорий этиш ҳамда мусиқа ва санъат мактабларининг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокамага қўйилди.

Тадбирнинг иккинчи куни қатнашчилар Тошкент шаҳар 2-болалар санъат мактаби фаолияти билан танишдилар. Якуний имтиҳонлар ўтказилиши жараёни, синфларнинг жиҳозланиши билан танишган кенгаш қатнашчилари мактабнинг концерт залида Гулистон шаҳар мусиқа мактабининг Наил Баҳодиров раҳбарлигидаги халқ чолғу оркестри ва ушбу мактаб ўқувчилари иштирокидаги концерт дастурини томоша қилдилар.

Республика миқёсида биринчи маротаба бўлиб ўтган ушбу семинар-кенгашдан кўзланган асосий мақсад нима эди? Бугунги ёш истеъдодларга алоҳида ғамхўрлик қилишнинг замирида нима ётади?

Маълумки, мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори илм-фан, санъат, маданият, таълим, адабиётга ҳам эътибор берилиб, бу соҳаларнинг келажаги ёшлар билан боғлиқ ҳолда кўрилмоқда. Демакки, жамият томонидан ушбу йўналишларга қўйилаётган талабларни ҳам бугуннинг янги авлоди бажаради. Шу мақсадда юртимизда қатор санъат масканлари қурилмоқда. Яна бир қанчаси қайта таъмирланиб, замон андозаларига мос келадиган даражага келтирилмоқда.

Бундай замонавий ўқув жойларида таҳсил олаётган бўлғуси санъаткорлардан миллий санъатимизни нафақат юртимизда, балки жаҳон бўйлаб тараннум этиш, халқона куй-қўшиқларимизни, янгича талқиндаги эстрадамизни, умуман, маданиятимизни ривожлантириш вазифаси турибди. Бундай мақсадга қайсидир маънода эришдик ҳам. Чунки Россия, Франция, Италия каби дунё маданияти ўчоқларида юртимизнинг ёш вакиллари совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Қўлга киритилаётган мана шундай ютуқлар асосида, албатта, санъат ва мусиқа мактабларининг ўрни беқиёс.

Бўлиб ўтган анжумандан кейин бу соҳадаги ишлар янада янгича руҳ ва шижоатда давом этишига шубҳа йўқ.

**Анвар УСМОНОВ**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

*Шеърий лаҳза*

### ТУЙҒУЛАР

**Дунё ишларига боқиб ҳайрон, лол,**
**Шогирд устозига берди-ку савол:**

**— Мудом ўтганларни ёд айлагаймиз,**
**Ёд айлаб, руҳларин шод айлагаймиз.**

**Деворларга ўсиб чўгирмасини,**
**Ўтказамиз етти, йигирмасини.**

**Сўнгра қирқи бўлар, йили бўлади,**
**Кетгандан қолганнинг кўнгли тўлади.**

**Чорлаб мамлакатни эҳсон ошига,**
**Байтлар ҳам битамиз қабр тошига.**

**Буларнинг барчаси савоб, албатта,**
**Тирик бандаларга ибратдир катта.**

**Инсонлик рутбаси нечоғ муҳташам,**
**Елкада элтамиз ҳаммасини ҳам.**

**Бироқ ечолмадим мен бир саволни,**
**Шарҳлай ололмадим сира бу ҳолни.**

**Инсонда жам бўлмиш не-не туйғулар,**
**Улар ҳам туғилар, яшар ва ўлар.**

**Нечун туйғу ўлса очилмас аза,**
**Нечун ўқилмайди унга жаноза?**

**Марҳум бўлиб кетди чунончи виждон,**
**Кўз ёши тўкмади биронта инсон.**

**Кимдир ўқ узибди туриб панада,**
**Меҳр ҳалок бўлди Қўриқхонада.**

**Меҳрсиз қолса ҳам катта-кичик жим,**
**Гўё эшитмаган бу гапни ҳеч ким.**

**Бир ҳакам Инсофдан сўрабди пора,**
**Кўксига тиғ урмиш Инсоф бечора.**

**Ҳаё ҳам осибди дорга ўзини,**
**Биров айтгани йўқ таскин сўзини.**

**Ҳеч ким парво қилмас бундай заволга,**
**Устоз, жавоб беринг ушбу саволга.**

**Кўзларини юмиб валилар каби**
**Устоз жавоб қилди қимтиниб лаби:**

**— Аза очилмайди ҳеч кимга агар**
**Тирикликдан бўлса заррача асар.**

**Сен бунча ваҳима қилма, болажон,**
**Уларнинг кўплари ҳали чалажон.**

**Агарда бутунлай топсалар барҳам,**
**Бўлмасди уларни сўровчилар ҳам.**

### ТАНҚИДЧИЛАРГА ҲАЗИЛ

**Антитеза йўли билан**
**Абсурдларни яратдик.**
**Реал ҳамда виртуални**
**Модернга қаратдик.**

**Концептуал эклистика**
**Аралашди ҳар гапга.**
**Тушимизга кириб чиқар**
**Экзюпери ва Кафка.**

***25 май, 2006 йил.***

*Кўргазма залларида*

## ШАҲНОЗАНИНГ "БОҒИ ЭРАМ"И



Тошкентдаги «Илҳом» театри фойесида таниқли мусаввира, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг шогирди Шаҳноза Абдуллаеванинг «Боғи Эрам» деб номланган ижодий кўргазмаси очилди. Кўргазмадан мусаввиранинг мойбўёқда ишланган, рангбаранг мавзудаги қирқдан ортиқ сара асарлари жой олган.

Шаҳноза ўз суратларида она табиатимиз гўзаллигини, жаннатмакон ўлкамизни мадҳ этади ва уни кўз қорачиғидек асрашга чақиради. Аёлларни ҳаёт давомчилари, фаришта тимсолида тасвирлайди. Шу маънода мусаввиранинг «Бибихоним Амир Темур боғида», «Боғда фаришта», «Тонг», «Қизларнинг чўмилиши» ва бошқа асарлари томошабинда катта таассурот қолдиради. Ш.Абдуллаева суратлари томошабинни ўйлантиради, мушоҳадага чорлайди ва эзгуликка даъват этади.

**САРВАРА**

*Ёзувчилар уюшмасида*

## ЯНГИ РОМАН МУҲОКАМАСИ

Таниқли адиб ва драматург Эркин Самандарнинг "Дарёсини йўқотган қирғоқ", "Тангри қудуғи" романлари, қисса ва ҳикоялари китобхонларга яхши маълум. Яқинда ёзувчи мўғул босқинчиларига қарши Ватан озодлиги йўлида мардона кураш олиб борган машҳур саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳаётига доир "Султон Жалолиддин" тарихий романини ёзиб тугаллади. Шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмаси бадиий наср кенгашида бўлган янги асар муҳокамасида иштирок этган адиб ва олимлар ёзувчининг улуғ саркарда ҳаётига доир тарих саҳифаларини чуқур ўрганганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Муҳокамани кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров бошқарди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али "Султон Жалолиддин" романини ёзиш жараёнида муаллифнинг катта ижодий меҳнатни рўёбга чиқарганини таъкидлаб, тарихан мураккаб бир даврда яшаган улуғ саркарданинг жасорати миллатдошларимиз учун мангу ифтихор тимсолига айланганига эътиборни қаратди. Айни чоғда асарда тарихий шахслар образи бироз кўпайиб кетганлиги, устозлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг айримларини бадиий вазифаси ўхшаш ва ярқ этиб кўзга ташланадиган бошқа образлар билан бирлаштириш мумкинлиги ҳақида фикр билдирди. Таниқли ёзувчи Омон Мухтор романнинг яхши ўқилиши, озодлик рамзи, руҳ озодлиги бош йўналиш қилиб олинганини эътироф этди ва асардаги айрим тарихий мисоллар талқинига тўхталди.

Қадимшунос ва этнограф олим Исо Жабборов асарнинг кўпгина фазилатларини таъкидлаган ҳолда унинг ғоявий концепциясига тўхталиб, бу жиҳатни Нажмиддин Кубро образини тўлақонли гавдалантирмасдан ҳал этиш қийин, зеро Хоразмшоҳлар даври мафкурасини Кубросиз тасаввур этиб бўлмайди, деди. Филология фанлари доктори Баҳодир Карим ҳам бу фикрни қувватлаб, Нажмиддин Кубро образини кенгроқ кўламда тасвирлаш, ҳозирги мавжуд талқинга нисбатан бироз кучайтириш Султон Жалолиддин атрофида ўзига хос маънавий муҳит яратган бўлур эди, деди. Шунингдек, асар тилидаги "борар", "келар" тарзида якунланувчи баъзи сўз бирикмалари хусусида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирди.

Ёзувчи Раҳимжон Отаев янги асарда муаллиф истеъдоди унинг аввалги романларига нисбатан янада тўкисроқ намоён бўлганини айтди ва от образи билан боғлиқ жиҳатларни янада кучайтириш мумкин эди, деди.

Муҳокама якунида Пиримқул Қодиров айтилган фикрлар ҳамда "Султон Жалолиддин" романи қўлёзмасини ўқиш жараёнида туғилган мулоҳазаларни жамлар экан, аввало, адибни катта ижодий ютуқ билан табриклади. Асарни нашрга тайёрлаш жараёнида эътиборга олиш мумкин бўлган жиҳатларга тўхталаркан, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган ёвқур миллатдошларимиз сиймосини гавдалантириш билан бирга Маҳмуд Яловоч ва у сингари Ватанга эмас, унинг ёвларига хизмат қилган хиёнаткор хоинлар, жосус кимсаларнинг кирдикорлари ҳам адолат юзасидан имкон даражасида тасвир этилиши зарурлигига эътибор қаратди.

Эркин Самандар асар қўлёзмасини ўқиган ва муҳокамада иштирок этган барча адибларга қимматли фикр-мулоҳазалари учун ўз миннатдорлигини билдирди.

**Ўз ахборотимиз**

## ЗУККО КИТОБХОН

Китобхонлик маданиятини ошириш маърифий тарғиботнинг муҳим жиҳатидир. Сўнгги йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув муассасалари, коллежлар ва академик лицейларда "Энг яхши китобхон" кўрик-танловлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими ҳамда вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида кўрик-танловнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятлардан вакиллар иштирок этишди. Талабалар ўртасидаги "Энг яхши китобхон" беллашувларида Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей талабаси Наргиза Қурбонова биринчи ўринни эгаллади. Жиззахлик Мавлуда Мамирова ва қорақалпоғистонлик Феруза Нуруллаевага иккинчи, Тошкент шаҳридан Жамола Ҳайдарова, Навоий шаҳридан Нигора Бекишова ва бухоролик Муниса Рўзиеваларга учинчи ўринлар насиб этди. Ғолиб талабалар "Фахрий ёрлиқ" ҳамда қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланишди.

**Ориф ҲОЖИ**

*Самарқанд.*

### БИЛДИРИШ

30 май куни соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир Азим Суюннинг мустақиллик мавзусидаги янги достони муҳокамаси бўлади.

Муҳокамага шеърият мухлислари, барча қизиққанлар таклиф этилади.

**Манзил: Мустақиллик майдони,**
**Ж.Неру кўчаси, 1-уй.**

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири



# АНДИЖОННИ МЕН БИЛАМАН, ДЎСТ

*Андижонни мен биламан, дўст:*
*Тупроғи соз, суви пок, тоза,*
*Осмони соф, офтоби чақноқ,*
*Лабз — ўзбакий, туркий андоза,*
*Ҳар кўнгилда порилар чироқ.*
*Бунда тонглар ўқур тиловат,*
*Шаббодаси айтади алла,*
*Гул тилида дуо, саловат,*
*Боғ супурар ҳар бир маҳалла.*

*Андижонни мен биламан, дўст:*
*Бир ён пахта, бир ён мевазор,*
*Солланади олтин бошоқлар,*
*Ўзи қурган денгизи ҳам бор,*
*Тор чертади дарё, ирмоқлар,*
*Ҳар сония юз очар чирой,*
*Ғанимлари даф бўлур куйиб,*
*Дўстлар дейди: Кўз тегмасин, ҳой,*
*Яна юксал хирмонлар уйиб.*

*Андижонни мен биламан, дўст:*
*Бозорларда сават-сават нон,*
*Дастурхонда асал, нишолда,*
*Меҳнат ила турмуш фаровон,*
*Бир келгин-да, кўриб ишон-да!*
*Асл китоб ҳар хонадонда,*
*Ҳукм сурар нурли эътиқод,*
*Ҳамма шоир бизнинг томонда,*
*Покиза руҳ, иллатдан озод!*

*Андижонни мен биламан, дўст:*
*Юрт ишқида шеър битар Бобур,*
*Кипригига илиниб кўз ёш,*
*Моҳларойим кўксида сабр,*
*Тиғлаб кетган замона бевош...*
*Эл ичида Чўлпон барҳаёт,*
*Тинганича йўқдир бўзлари,*
*Мана севги, мана ишқ, ижод,*
*Кўзларимда унинг кўзлари!*

*Андижонни мен биламан, дўст:*
*Боғларида нур ичар шабнам.*
*Гул кўтариб келади Қуёш,*
*Ой тўлади, кўкда Юлдуз жам,*
*Эриб кетар эримаган тош!*
*Қучоқ очур ёрқин келажак,*
*Пойларига поёндоз бўл Сен!*
*Кун туғилур қутлуғ, муборак.*
*Андижонни мен биламан, мен!*

## НАВРЎЗ ҚИЗИ

*Наврўз қизи боғимга келди бугун тонг чоғи,*
*Алвон-алвон гулларга тўла экан қучоғи,*
*Юрагида ишқ ўти, ёнар икки ёноғи,*
*Хино боғлабди оқшом, лола эди бармоғи,*
*Гуллар билан безанмиш бошидан то оёғи.*

*Саватин ерга қўйди, ичи тўла чучмома,*
*Қуёш туҳфаси эди чучмома кийган жома,*
*Саҳар чўмилтирибди ойдан нур тома-тома,*
*Қиз қўлимга тутқазди Навбаҳордан бир нома,*
*Шу он енгил шаббода кўрсатди зўр ҳангома.*

*Силкиниб қолди боғда Бинафшаю Наъматак,*
*Тожихўроз Мажнундек эгнида қонли яктак,*
*Лабланди Гулисафсар, зеболанди Бойчечак,*
*Ороланиб Гулсунбул, Саллагул, шум Мармарак —*
*Карнайгулга қайрилди, ҳасад қилсалар керак...*

*Гул қатма-қат тебранди, жилмайди Гулибеор,*
*Атиргул титраб қолди, Гулхайрида бир сир бор,*
*Кампирчопон, Бойхалча япроғи тумор-тумор,*
*Райҳонга сариқ Садбарг термулар хумор-хумор,*
*Лек Чиннигул негадир хаёл сурар беозор...*

*Наврўз қизи бир кулиб, гулларга имо этди,*
*Гуллар очилиб кетди, ҳидлар сочилиб кетди!*
*Бу хушхабар бутун эл, бутун оламга етди!*
*Бошланди улуғ Байрам, қувонч борлиқни тутди,*
*Баҳор кутган кўнгиллар ғам-қайғуни унутди!*

*Дастурхонга тортилди: сумалак, кўк чучвара,*
*Кўк сомса ҳам кўк манти, ҳалимига бир қара,*
*Қиз-жувонлар рақс этур, кокиллари шаршара,*
*Табассуми жон олар, бири-биридан сара,*
*Дўстлар, менинг боғимда бўлди шундай манзара!*

## МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР

Болаларга

*Тонг ёриб, илк субҳидам*
*«Боғ аро қўйсам қадам»,*
*Зеҳним олди дам-бадам —*
*Бошин эгган дарахтлар,*
*Қаддин буккан дарахтлар.*

*Бири олма, бири нок,*
*Бири хурмо, бири ток,*
*Анжир ётур бағри чок,*
*Юки бисёр дарахтлар,*
*Юки залвор дарахтлар.*

*Чорпойли оқ ўриклар,*
*Ёнғоқ — шохи йириклар,*
*Олча-гилос шериклар,*
*Тош отилган дарахтлар,*
*Болта тилган дарахтлар.*

*Бир бутоғи айрилган,*
*Бир новдаси қайрилган,*
*Илдизлари чайрилган,*
*Маҳкам, пишиқ дарахтлар,*
*Элга қўшиқ дарахтлар.*

*Шамоллар тўкиб турар,*
*Қушлар ҳам чўқиб турар,*
*Булбул шеър ўқиб турар,*
*Ай, қайғудош дарахтлар,*
*Менга сирдош дарахтлар.*

*Теваракда саф тортар,*
*Рашку алам қўзғотар,*
*Ғам устига ғам ортар,*
*Мева билмас дарахтлар,*
*Мева қилмас дарахтлар.*

*Оқ қайин бўй чўзадир,*
*Қайроғочдан ўзадир,*
*Кўкдан юлдуз узадир,*
*Ҳаволанган дарахтлар,*
*Самоланган дарахтлар.*

*Боши осмон тераклар,*
*Толлар — эзгин юраклар,*
*Сада кимни эрмаклар?..*
*Ҳасад уйи бузилсин,*
*Занжирлари узилсин.*

*Мевасиз боғ боғмиди,*
*Чўққисиз тоғ тоғмиди,*
*Меҳри йўқ ўртоқмиди,*
*Меваси чин дарахтлар,*
*Турон замин дарахтлар.*

*Энди десам, холисан,*
*Отамлар тимсолисан,*
*Онамлар мисолисан,*
*Қомати дол дарахтлар,*
*Умри ҳалол дарахтлар.*

*Тонг ёриб, илк субҳидам*
*«Боғ аро қўйсам қадам»,*
*Зеҳним олди дам-бадам,*
*Ҳосили ларзонлари,*
*Ўлмасин боғбонлари!*

Юракни кенг қилиб астойдил меҳнатга берилган одам яхши кун кўриб, маъноли ҳаёт кечиради. Меҳнатсиз топилган бойлик омонатдир.

* * *

Нафсни тия олиш мардлик. Мардлик эса жамики эзгу ишларнинг эшигини очадиган калитдир.

* * *

Яхши одам янглишганда ёки бирон хатога йўл қўйганда уни ёмонотлиқ қилиш керакмас. Чунки у бу хатосидан пушаймон бўлиши аниқ.

* * *

Бировнинг бахтида ўз бахтини тополган — бахтли.

* * *

Ҳақиқий ижодкор ижод бўстонига оёғи билан эмас, қалами билан кириб келади.

* * *

Истеъдод Парвардигор томонидан одамга хусусий мулк қилиб эмас, кўпчилик манфаатини кўзлаб берилган.

* * *

Ёзувчи турмуш воқелигини қайд этувчи сураткаш эмас, балки шу воқелик ифодасида ўз муносабати, қарашлари ва ҳис-туйғуларини акс эттирувчи мусаввирдир.

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



# АСАР ТЎЛҒОҚСИЗ ЁЗИЛСА...

## Ён дафтардаги битиклардан

* * *

Ота-она ёшини яшаб, ошини ошаб бу фоний дунёни тарк этганда уларни обрў-иззатларини ўрнига қўйиб кузатадиган биринчи навбатда ўғил бўлади. Инсоф-диёнатли ўғилгина бу вазифасини яхши адо этади. Ўғил диёнатсиз бўлса...

* * *

Кўтара оламанми деб иккиланиб ўтирмай, елкага, зиммага вазмин юк олиб, баландроқ чўққини кўзлаб бораверган маъқул экан. Умуман, яхши таваккалсиз бирон жиддий натижага эришиш амри маҳол.

* * *

Илҳом — ёзишга бўлган кучли тўлғоқдир. Тўлғоқсиз ёзилган нарса мўлжалсиз отилган ўқдай беҳуда кетади. Худо берган истеъдодни авайлаб сарфлаган маъқул. Уни ортиқча ҳою-ҳавасларга исроф қилиш инсофсизлик, очиқроғи, халқ бойлигига хиёнат қилиш билан баробар.

* * *

Ҳақиқий тадбиркорлик — чин инсонийлик белгиси деганимизда, бир муҳим жиҳатни эътибордан қочирмаслигимиз керак: тадбиркорлик қилишдан мақсад — фақатгина ўз манфаати, ўз шуҳратини кўзлашми ё жамият манфаатини ҳамми?!

* * *

Ҳаётинг силлиқ ўтмаган бўлиши мумкин, бу муҳим эмас. Муҳими қандай яшаганингда!

* * *

Қариганингда ҳам ҳаётга муҳаббатинг совимагани маъқул. Шу нарса сени янада узоққа етаклайди.

* * *

Маънавиятли одам, аввало, имон-эътиқодли, инсоф-товфиқли, одамохун ва камтарин бўлади.

* * *

Билган йўлингдан юр, четга чиқма, адашасан.

* * *

Ёвузликка нафрат ҳам одамгарчиликнинг бир кўриниши.

* * *

— Умрингда энг бахтли кунларинг қачон бўлган?

— Меҳнатга шўнғиган пайтларим.

* * *

Эл-юртга аралашмай яшашда нима маъно бор?

* * *

Томизғи яхши бўлса, қатиқ тез ивийди.

* * *

Кексаликда ҳам ҳаёт муаммоларига, маънавий бойликларга қизиқсанг, билки, умринг давом этмоқда экан.

* * *

Донишмандлар: «Маслаҳат юзасидан айтилган ёлғон — фитна-фасод келтирувчи ростдан яхшироқдир» деганлар.

* * *

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ёш ижодкорларга қилган насиҳатларидан бири ёдимга тушди: агар яратган асарларинг ёш авлод тарбиясига, дўстликнинг мустаҳкамланишига, меҳнатсеварлик ва ватанпарварликнинг ўсишига озми-кўпми хизмат қилса, ўзингни бахтиёр ҳисоблашинг мумкин...

* * *

Ҳар кимнинг ўз ҳаками бўлади. Ҳакам ақлга қулоқ солса, эгасини тўғри йўлга бошлайди, нафсга қулоқ солса-чи, йўлдан оздиради. Бу ҳакам — виждондир.

* * *

Китобни офтобга қиёс қиладилар. Дарҳақиқат, китоб одам онги-дилига нур, зиё бағишлайди, қалбларни ёриштириб, ақлни пешлайди. Кўнгилда эзгу фикрлар уйғотиб, хайрли ишларга руҳлантиради.

* * *

— Сизда китобхонликка қизиқиш қачон ва қандай бошланган? — деб сўрашади.

— Ёш болалик чоғларим. Хонадонимизда кунора раҳматли онам Малика отин бошчилигида қўшни аёллар китобхонлик қилишарди. Мен ҳам уларга қизиқиб қулоқ солардим. Энг кўп ўқиладигани Навоий, Фузулий, Хўжа Ҳофиз, Бобо Равшан, Ҳувайдо, Яссавий, Баёз Хазиний, Сўфи Оллоёр китоблари эди. Аёллар завққа тўлиб хониш билан ўқишган байт-ғазаллар сатрларидан эсимда қолганларини ичимда қайтариб юрардим. Етти-саккиз ёшга етиб, саводим чиққанда ўша китоблардан айримларини қўлга олиб ўқий бошлаганман. Китоблар мутолаасига, ёзиш-чизишга берилишим ўша кезлардан бошланган...

## "Жамият ва мен" танловига

# Чеча

Қатра



Ҳайит момо узоқ қариндошимиз. Ғузорнинг Жонқора қишлоғида яшайди. Ёши тўқсондан ошган. Табаррук ёши ва ҳаммага бирдай меҳрибонлиги боис катта-кичик унинг зиёратига борадиган бўлган. Энамнинг амакисига келин бўлиб тушганидан Ҳайит момони чеча дер эдилар. Энам вафот этганига ҳам анча йил бўлди, чечасини кўрсам ўзларини кўргандек бўламан, деб йўлга тушдим.

Йўл узоқ. Тоғлар орасидаги Жонқорага ёғингарчиликда машина юрмайди. Қирлардан ўрлаб, бир амаллаб тоққа чиқиб бордим. Чеча ҳали бақувват. Бошида қўнғирот аёллари ўрайдиган дастор, қоматини тик тутиб, ҳассасиз юрибди. Кўзойнаксиз тикиш қилади, жун титиб урчуқ йигиради, келинлар кигиз қилса, гул босиб беради.

Овозимни сал кўтариб сўрашгандим, "Эй, қизжон, секинроқ гапиринг, қулоғим оғир эмас, келинларим шивирлаб гапиришса ҳам эшитаман", — дея ҳазил қилди. Бир зумда гурунг-гурунгга уланиб кетди. Чечадан сўрайдиган гапларим эса кўп. Қайси биридан бошласам экан?

— Чеча, ёшлик даврларингиз ҳақида гапириб беринг, қандай бўлгансиз, эсингизда борми? — деймаn.

— Ёшлик дедингизми? Ҳа-я, ёшликни унутиб бўладими. Жуда кўҳлик бўлганман. Ёш эрга беришган. Отам раҳматли: "Сен жуда ҳусндор эдинг қизим, бирорта йигит обқочиб кетмасин, деб дарров узатиб юборганмиз", деган эди. Турмуш қурганим билан фарзанд кўрмадик, ажрашиб кетдик. Ўша пайтлар энангизнинг амакисини хотини ўлиб, олтита ёш боласи билан қолган экан, совчи қўйди. Ёшгина нарса бир кунда олти болалик бўлдим-қолдим — уч ўғил, уч қиз. Уларни бағримга босдим. Бир эна нима қилиши керак бўлса, барини қилдим... Худонинг марҳаматини қаранг-ки, ўзим ҳам уч ўғил кўрдим. Болаларимга бирдай қарадим. Чолимнинг олдинги хотинидан туғилган болаларни ҳеч ким менга ўгай демайди, улар менинг дилбандларим... Айниқса, катта ўғилларимнинг меҳри ўзгача, қаранг, ҳаммаси атрофимда яшайди. Ҳар куни уларнинг уйига бирма-бир кириб чиқмасам, кўнглим жойига тушмайди.

Ҳайит чеча бир зум жим қолди. Ким билади, шу топда унинг хаёлидан нималар ўтаяпти.

— Қишда ҳам енгил кийиниб юрибсиз, совқотмайсизми? — дея гурунгни уламоқчи бўлдим.

— Совуқ қотмайман, қизжон. Иссиқ одамни қаритади, ланж қилиб ташлайди. Шунга ўрганганман... Қизжон, юринг менинг уйимни кўринг, у ўтовда энангиз билан кўп гурунг қилардик. Ҳар йили Наврўз ўтадиган сайилгоҳга менинг уйимни ҳам олиб бориб тикишади. Меҳмонлар учун...

Чеча билан кенггина ўтовга кирамиз. Ўртада ўчоқ, тепадаги туйнуклар, атрофдаги чийлар очиқ. Керагага тираб куви, иккита хум, мис офтоба ва бошқа қадимий идишлар қўйилган. Чеча хумдаги сувдан чой қўйиб юборди. Саксовул бироз тутади-да, чирсиллаб ёниб кетди. Ўтовнинг ўқларига кашта, безакли халтачалар осилган. Ҳар бирига қизиқаман, гўё бир сир яширингандек. Менинг уларга тўймай боқаётганимни кўрган чеча изоҳ бера бошлайди:

— Манави хуржунни чолим раҳматли бозорга олиб борарди. Мана бунга қаранг, бу — кебанак, чўпонларнинг кигиздан тикилган қишки кийими. Қаҳратон қишда ўғилларим кийиб қўй боқишади. Буниси пиёзи чекмон, иссиқроқ кунлари кийилади, туянинг жунидан тўқилган.

Тўн шаклида силлиқ тўқилган бу кийим ҳам ҳар қандай музейга кўрк бериши мумкин...

— Чечажон, келинлик либосларингизу тақинчоқларингизни ҳам асраб юрармишсиз. Шу ростми?

Тўқсондан ошган чечанинг хушрўй юзига қизиллик, ҳаяжон югуради. Мўъжазгина тахта сандиқни очиб, келинлик бисотларини ола бошлайди.

— Бу мурсак, Бухоронинг асл адрасидан тикилган. Аёлларнинг олди очиқ узун кийими...

Уларнинг ёқалари ва этакларига зар аралаш кашта урилган. Ҳайит чеча рўмолчага тугилган тақинчоқларини ҳам очади: латиба (бурунга тақиладиган халқа), ҳапамат, безмат, силсила, билагузук, узук... деярли ҳаммаси кумушдан ясалган.

Чой қайнади, оғир шол дастурхон ёзилди. Саксовул ўтинда қайнаган хушбўй чойни ичарканман, чеча косага солинган сариёғни олдимга сурди:

— Бундан олинг, қизжон, қўйқоринда сақланган.

Бироз нордон сарёғда минг хил гиёҳнинг ҳиди ва таъми бор, қанча есангиз ҳам таъбга урмайди. Чеча бундай ёғни асраш учун қорин қандай тайёрланишини эринмай тушунтиради: қўй ёки қўзининг қорни тозаланиб, ичи ҳавога тўлдирилиб иссиқда қуритилади, сўнг кувида пишиган ёғ солинади...

— Бир вақтлар жун қирққан, қўй ҳам сўйган экансиз, шу ростми?

У кулиб юборди ва ёнимга яқинроқ ўтирди.

— Рост. Ҳозир келинларим ҳам қўй қирқади. Мол сўйиш эса ҳамманинг қўлидан келмайди, лекин мен сўйганман. Бир куни қўрага кирсам катта қўчқор патиллаб ётибди. Уйда эркак зоти йўқ эди. Ўқлоқни миндим-да, дуосини ўқиб, қўчқорнинг бўйнига пичоқ тортиб юбордим. Шундай қилмасам, катта қўчқор ҳаром ўларди-да.

— Қўрқмадингизми?

— Қўрқоқ тоғда яшай олмайди. Чорванинг нонини ейиш учун жонинг молнинг туёғидан қаттиқ бўлиши керак, қизжон.

Чечанинг гапларини эшитиб, аёл меҳри ва қудрати қаршисида лол қоламан. Бундай Барчинсифат оналаримиздан бизга қандай хислатлар мерос бўлиб ўтдийкин? Шуларни ўйларканман, эшикдан чечага ўхшаб кетадиган етти-саккиз ёшлардаги қизча ийманибгина қарайди:

— Эна, эчкиларни соғмаймизми?

— Вақт бўлдими, болам, албатта соғамиз.

Чеча ўрнидан адл туриб, чеккадаги қовоқ идишни қўлига оларкан, менга юзланди:

— Қизжон, бир пасгина кутинг, мен ҳозир...

Жилмайганимча чечанинг орқасидан аста эргашаман. Унинг ҳар бир сўзида, хатти-ҳаракатида асрларни ардоғида улғайтирган оналарнинг иссиқ меҳрини туяман...

Олисларда кўкламга юз тутиб, ҳаёт абадийлиги ва вақтнинг ўткинчилигини эсга солган виқорли тоғлар. Умр йўлларининг иссиқ-совуғию, паст-баландликлари аро аждодлар ёди ва меҳр-оқибат бардавомлигини елкасида тутиб келаётган момоларимиз қадри ҳам мана шу тоғлардек абадий туюлади.

Бўстон РАҲМОНОВА
Ғузор тумани.

# САҲНАДА «ЕРҚЎРҒОН»

Тақдимот

«Эски мачит» театр-студияси халқ оғзаки ижоди ва жаҳон фолклори намуналари асосида саҳналаштирилган кўпгина асарлари билан Осиё ва Европа мамлакатлари томошабинлари олқишига сазовор бўлган. Яқинда театр-студия Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига атаб таниқли шоир Исмоил Тўхтамишевнинг «Ерқўрғон» достони асосида тарихий мавзудаги мусиқали асарни саҳнага қўйди. Режиссёр Авлиёқули Хўжақули асарни Шарқ ва Ғарб кўча театрлари услубида саҳналаштирди. Саҳна безакларини рассом Мария Сошина яратган.

Бугунги дунё замонавий театрларининг тил ва услублари асосида талқин этилган асардаги асосий ролларни Ўзбекистон санъат арбоби Исоқ Тўраев, Республикада хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилова, актёрлар Гулноза Раҳматова, Раҳмиддин Низомов ва бошқалар ижро этишмоқда.

Жамоа бадиий раҳбари Исоқ Тўраев театрнинг янги асарини ҳам хориж сафарлари репертуарига киритиш ниятида. Тақдимот маросимида вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев, ижодкорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Исмоил МАҲМУД

# Оҳига тутгил қулоқ, кўксингдаги ул торни



* * *

*Эҳтиёт қилғил тилингни, билким, ожиз бандадур,*
*Гоҳ заҳар, гоҳида малҳам, гоҳида манмандадур.*

*Бир нидо келгай Скандар, сартарош ровийсидан,*
*Ул қудуққа бош суқибким, охири шармандадур.*

*Ўттиз икки миршаби банд этса ҳам ул алжигай,*
*Ҳеч тутиб бўлмас ани сўнг, бил, жилов мингандадур.*

*Дашту бўстонга баробар сочса ҳам нурин қуёш,*
*Олтину ножинсни матну матлаби маъдандадур.*

*Очма лаб ҳар касга беҳуд қалб сирин тутгил ниҳон,*
*Ким бу кун гулхандадур, ваҳ, ким бу кун гулшандадур.*

*Камтаринлик бирла ҳар ким эл аро топгай камол,*
*Марди майдонларни шавқи, ҳикмати руҳ тандадур.*

*Панд-насиҳат бирла, Маҳмуд, беписанд қўйма қадам,*
*Ушбу ожизлик сифоти мандадур, гоҳ сандадур.*

* * *

*Хуш назар бирла қаранг, дийдор ғаниматдур бу дам,*
*Ота-она, аҳли дўст, дилдор ғаниматдур бу дам.*

*Ҳар нафас такрори ўзга, қайтмагай ҳар лаҳза ким,*
*Паст-баланд ургай юрак, иқрор ғаниматдур бу дам.*

*Ҳар қадамда турфа ҳис, ҳар бир назар тафти бўлак,*
*Гоҳ ёруғ, гоҳи заиф рухсор ғаниматдур бу дам.*

*Вақт аро дўстлар жамоли ичра сиз ҳурмат топинг,*
*Ким азизлар лутфидан асрор ғаниматдир бу дам.*

*Аввалу охирда ҳар иш фурсати ҳикматдадур,*
*Анга кўнглин чоғлаган бедор ғаниматдур бу дам.*

*Жустужў айланг саодат ичра дил майдонида,*
*Бу ҳидоят истари бемор ғаниматдур бу дам.*

*Айлагай кимёки, Маҳмуд, иқтидо руҳи дилинг,*
*Бу улуғ майдонда чин ҳамкор ғаниматдур бу дам.*

* * *

*Қадрига етгил оёғ остидаги ул зорни,*
*Термулиб пойингда турган бебаҳо, бедорни.*

*Сен хаёл ахтарма олис қирда турган маррадан,*
*Бас, тавоб қил руҳинг узра порлаган дийдорни.*

*Ўзлигинг ўзингга ҳақдир то қиёмат, эй кўнгил,*
*Фарқига боргил ҳақиқат бирла ул маккорни.*

*Турфа ҳислар бирла кўнгул ўртагай, вақтида лек*
*Оҳига тутгил қулоқ кўксингдаги ул торни.*

*Не мақомга етди Маъмуржону устоз Жўрахон,*
*Сўнгги манзил айлади, воҳ Марғилони борни.*

*Белда қувват борида юрт корини қилган азиз,*
*Эл таниб, олам таниб чин дўст тутиб ҳушёрни.*

*Бир сабаб-ла айладинг, Маҳмуд, бу сўзни ошкор,*
*Ишқини асра ҳамиша дилдаги ул ёрни.*

* * *

*Турфа хил шарру риёдан кўзни айланг эҳтиёт,*
*Ким анга оина бўлманг, ўзни айланг эҳтиёт.*

*Жилваланган ҳар матонинг тархи бенуқсон эмас,*
*Ким ҳаво берган кўнгилга бўзни айланг эҳтиёт.*

*Фарқи кўпдир одамий бирла одамнинг аслида,*
*Одамийликдан хабардор сўзни айланг эҳтиёт.*

*Ёмғиру довулда сўнгай турфа ранглар беомон,*
*Қалбга нақшин солган у зардўзни айланг эҳтиёт.*

*Давру даврон кимга кўклам, кимга ёзу кимга қиш,*
*Қалбдаги ул фасли гул Наврўзни айланг эҳтиёт.*

*Бас, насиб этган билан ким, барчаси бўлмас ҳазм,*
*Бўлгучи дастурамал ризқ-рўзни аланг эҳтиёт.*

*Дер ҳаёт мазмуни ҳикматда эрур, Маҳмуд, абад,*
*Дилга ишқ берган кеча-кундузни айланг эҳтиёт.*

*Марғилон.*

